

## Қурбон Ҳайитини нишонлаш бўйича маълумот берилди



14:00 / 13.07.2021 2179

**Бугун Халқаро пресс-клубнинг «Янги қонун таҳлили: асосий ўзгариш ва қўшимчалар» мавзусида сессияси бўлиб ўтди. Унда «Виждон эркинлиги ва диний ташкилотлар тўғрисида»ги қонуннинг янги таҳрири муҳокама қилинди.**

Спикер сифатида Олий Мажлис Сенати ва Қонунчилик палатаси, Адлия вазирлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, ҳамда диний ташкилотлар вакиллар иштирок этишди.

Халқаро пресс-клуб раиси Шерзод Қудратхўжа Муслмонлар идораси вакилига мурожаат қилиб, 20 июл куни ўтказилиши кутилаётган Қурбон Ҳайити байрамнинг нишонланиши бўйича маълумот беришини сўради. Ўзбекистон Муслмонлари идораси раисининг биринчи ўринбосари Ҳомиджон Ишматбеков мазкур саволга тўхталиб, юртимизда Қурбон Ҳайитининг ўтказилиш санаси ҳақида шундай деди:

**«Ўзбекистон Муслмонлари идораси Қурбон Ҳайитини 20 июл куни ўтказиш бўйича хулоса берди. Шунга кўра, юртимизда Ҳайит байрамни ўтказиш бўйича тайёргарлик ишлари амалга оширилмоқда»** — деган Ҳ. Ишматбеков.

**Эслатиб ўтамиз, Қурбон Ҳайитини нишонлаш бўйича якуний хулоса  
Президент қарорига кўра маълум қилинади.**